

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 14 июнь, № 115 (6045) Шанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 июнь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Президентининг махсус ёрдамчиси, АҚШ миллий хавфсизлик кенгашининг Россия ва Евроосиё бўйича катта директори Селест Анна Уолландерни қабул қилди.**






Мулоқот чоғида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик айрим муаммолар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколи ядро қуролига эга беш давлат, жумладан, АҚШ томонидан имзоланди. Бу Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амалга оширилишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Мазкур Протоколни ратификация қилиш жараёнининг якунига етказилиши глобал миқёсда қуролсизланиш ва қуролларни тарқатмаслик ҳамда минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш механизмларини шакллантиришнинг муҳим омили бўлади.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият, унинг минтақадаги жараёнларга таъсири, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## Қисқа сатрларда

● Турин политехника университетида Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ҳамкорлигида анъанавий Республика инглиз тили ўқитувчилари конференцияси ташкил этилди. Унда узлуксиз таълимнинг турли босқичларида фаолият юритувчи 300 нафардан зиёд инглиз тили ўқитувчилари, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш марказлари вакиллари ва хорижлик экспертлар қатнашди.

● **“Ўз касбининг моҳир эгалари” кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёшларнинг фидойилик ва ижодкорлик қобилиятларини рағбатлантириш, “Устоз — шогирд” анъаналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда ўндан ортиқ касб эгалари ўзаро баҳслашди.**

● Бухорода фтизиатрия ва пульмонологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Тадбирда сил хасталигининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган лойиҳалар, соҳада ечимини кутаётган долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

● **Улуғнор туманида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида “Болаларга меҳр улашамиз!” шиори остида хайрия тадбири уюштирилди.**

● Пойтахтимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги томонидан “Миллий архив фондининг нодавлат сегментини ривожлантириш масаласи” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини бойитиб бориш, уларни тизимли асосда жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил қилиш борасида нодавлат архивларини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Давлат дастури ижроси муҳокама қилинди

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ташаббуси билан 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури ижросининг бориши ҳақида парламент эшитуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг шу бўйича ахбороти тингланди.*

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Таъкидланганидек, Давлат дастури доирасида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида шўрланган ерлар 26,2 минг гектарга, 191,5 минг гектарга тенг майдондаги ер ости сувлари жойлашиши эса 2 метрга қисқарди. Буларнинг барчаси стратегик экинлар ҳосилдорлиги ва умуман мева-сабзавотчиликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Тақдим этилган маълумотлар муҳокамаларида ер ва сувга оид қонунчилик ижроси, жойларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш бўйича кўрилган аниқ чора-тадбирларга эътибор қаратилди. Зеро, депутатларнинг фикрича, ушбу мавзу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларига узвий боғлиқлиги билан долзарбдир.

Диққатга сазовор жиҳати, парламент эшитуви давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда юксак савияда ўтказилиб, жаҳон ҳамжамиятининг катта эътирофига сазовор бўлган ҳамда фермерлар ва тадбиркорлар, жамиятнинг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференциядан кейин ташкил этилди.

Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар унинг эртанги кунига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Ўз навбатида, бу борада қишлоқ хўжалиги секторини янада ислоҳ қилиш, модернизациялаш, мелиорация ва ирригация тизимларини такомиллаштириш, тупроқ ҳосилдорлигини яхшилаш ҳамда ер унумдорлигини ошириш бўйича кенг миқёсдаги ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш мақсадга мувофиқлигига тўхталиб ўтилди.

Шулардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари ўз нуқтаи назарларини билдирдилар.

**Фахриддин СОЛИЕВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**

— Бугун халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг озиқ-овқат дастурини тизимли асосда амалга ошириш бўйича қўлга киритган катта тажрибасини эътироф этиб, уни қизиқиш билан ўрганмоқда. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йилларида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулоти ҳажми 2 маротабадан зиёдга ошди. Ғалла мустақиллигига тўла эришилди. Айни пайтда юртимиз нафақат ички эҳтиёжларини тўла қондирмоқда, балки умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд дунё бозорида талаб катта бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилаяпти. Буларнинг барчаси давлатимизда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, бозор муносабатларига ўтиш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган улкан ишлар шарофатидандир. Ўйлаймизки, Давлат дастуридаги вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши кўзланган мақсадларга эришишга хизмат қилади. Хусусан, 2020 йилгача Ўзбекистонда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини 2,3 баробар оширишга асос бўлади.

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Ҳозирги даврда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ қатор муаммолар кузатилаётир. Ана шундай шароитда ҳам Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бирламчи эҳтиёж маҳсулотларини “даладан дастурхонга” схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда сарф-харажатлар ва йўқотишларни камайтириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Пировардида бугунги кунда мамлакатимиз нафақат ўз аҳолисини зарур озиқ-овқат неъматлари билан тўла таъминлашга қодир, балки аксарият хорижий экспертлар таъкидлаганидек, жаҳон бозорига сифатли ва қулай нархлардаги ана шундай маҳсулотлар етказиш орқали глобал озиқ-овқат муаммолари ечимига ҳам катта ҳисса қўшаяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

*Маълумки, шу йилнинг 5 — 6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференция ишида хорижий мамлакатлардан мутахассис ва экспертлар иштирок этди.*

Анджей Сувек:

# «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан салоҳиятга эга»

Улар орасида польшалик эксперт — **“Andrzej Sulek Sp.z.o.o.” компанияси президенти Анджей Сувек** ҳам бор эди. У ўз юртига қайтганидан сўнг “Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбат чоғида мазкур халқаро анжумандан олган таассуротларини ўртоқлашди.




— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан салоҳиятга эга, — деди у. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари жадаллик билан ривожланиб бораётгани туфайли биз истиқболда ана шу салоҳиятдан тўласинча фойдаланиш ниятидамиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ишлаб чиқаришда катта қудратга ҳам эгадир. Ишчи кучи салоҳияти ҳам шу жумлага кирадики, шубҳасиз, ундан унумли фойдаланиш керак. Республика ҳудудидаги қулай иқлим шароити мева-чева етиштиришни янада кўпайтириш ва боғдорчилик ривожини бундан ҳам яхшилаш имконини беради.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция ишида мамлакатимиз экспертларининг қатнашгани Польша ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўзаро савдо алмашувларининг ўсишига ҳамда хўжалик алоқаларининг кенгайишига кўмаклашади, деб ўйлайман.

Шуни ҳам комил ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон ва Польшанинг боғдорчилик соҳасидаги ҳамкорлиги яхши истиқболга эгадир. Икки мамлакат таълим муассасалари ва идоралари ўртасидаги тажриба алмашувлар, боғдорчилик соҳаси мутахассисларининг бир-бирлари билан яқин алоқалари ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизга ижобий туртки беришига ишонаман.

Кези келганда шуни қайд этишни истардимки, бизнинг халқимиз ҳам боғдорчилик ва сабзавотчиликда улкан тажриба орттирган. Шу асосда Польша боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришда катта қадамларни ташлаган. Ҳозир биз дунёдаги олма етиштирадиган етакчи мамлакатлар тўртлиги сафида турамиз. Бугунги кунда ушбу соҳа янада ривож топмоқда. Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўз тажрибаларимизни баҳам кўришга тайёрмиз.

Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман. Гўзал мамлакатингиз бой маданият ва тарихга эга. Ўзбеклар заминида халқ самимиятидан ва меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлдик. Бунинг учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

**«Жаҳон» АА.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Бугунги кунда мамлакатимизда Жанубий Корея сармояси иштирокидаги**

**412 та корхона фаолият кўрсатмоқда.**

Саноатнинг қазилма, металлургия, кимё, озиқ-овқат сингари жабҳалари, савдо-сотиқ ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослаштирилган мазкур корхоналар икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаяпти.




## «Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз»

Президентимиз Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи чет эллик мутахассислар ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди.

# Давлат дастури ижроси муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундай экан, ушбу жабҳадаги қонунчилик ва давлат дастурларининг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши устидан парламент, шунингдек, жамоат назоратини кучайтириш депутатларнинг муҳим вазифаларидандир. Хусусан, биз қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини янада равнақ топтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестициялар ҳамда илғор тажрибаларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, унинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх-навога мавсумий омилларнинг таъсирини камайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш, қишлоқларда янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш, янги иш ўринлари яратиш имконини бериб, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга ижобий таъсир этади.

**Шавкат БОЛТАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Олдимизда турган вазифа — сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, соҳа билан боғлиқ логистика ва инфратузилмани такомиллаштириш, уларнинг яхлит тизимини янада ривожлантириш. Бу эса “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини дунё бозорларида илгари суришда салмоқли роль ўйнайди. Биз, шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатдошлигини кўтаришнинг муҳим омили, деб биламиз.

Бинобарин, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ахборотини маъқуллар экан, ЎзМТДП фракцияси сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича янги механизмлар ва усулларни ҳаётга жорий қилиш каби масалаларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди.

**Алишер АКРАМОВ, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**

— Аграр секторнинг муваффақиятли ривожланиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий мазмун-моҳият касб этади. Шу маънода, хорижий мутахассисларда Ўзбекистоннинг нафақат озиқ-овқат дастурини амалга ошириш, балки унинг миллий соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялашуви борасидаги тажрибаси ҳам катта қизиқиш уйғотаётир. Бошқача айтганда, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига овқатланиш сифати ҳамда тузилишини ўзгартириш ва миллат генофондини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқ тарзда қаралади. Шундай экан, кўпчилик нуфузли халқаро ташкилотлар юртимизнинг бу жабҳадаги модели ва тажрибасини бошқа давлатлар учун тавсия қилаётгани ҳам бежиз эмас. Бугунги йиғилишда кўрилган Давлат дастурининг сўзсиз ижроси аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришда муҳимдир. Бу борада соҳага инновацион, замонавий агро ва сувни тежайдиган технологияларни янада кенг татбиқ этиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш алоҳида ўрин тутади, албатта.

**Ўктам ОТАҚУЛОВ, Ўзбекистон экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси:**

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги секторидаги муваффақиятларга генларни модификация қилиш технологиялари қўлланилмасдан эришилгани муҳимдир. Аграр соҳадаги барча ислоҳотлар иқтисодий манфаатлар ва экологик мақбуллик тамойиллари мувозанати ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилаяпти. Юртимизда сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланган. Бу бутун дунёда талаб юқори бўлган экологик соф маҳсулот етиштириш имконини бермоқда. Бугунги парламент эшитувида ижроси кўриб чиқилган Давлат дастури ҳам жойларда экологик вазиятни яхшилаш ва табиий тоза маҳсулот етиштиришдек эзгу мақсадлар рўёбида катта аҳамиятга эга. Биз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги эътиборини мелиоратив тадбирларни пухта ишлаб чиқиш, режалаштириш, мелиоратив объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш зарурлигига қаратдик. Шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш ва сувдан фойдаланувчилар томонидан коллектор-дренаж тизимлари техник ҳолатига зарар етказилишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқлигини ҳам қайд этдик.

Парламент эшитуви якунлари бўйича депутатлар томонидан Давлат дастури доирасида қабул қилинаётган ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга қаратилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Наманган шаҳрида иш бошлаган “Ян Намтекстиль” масъулияти чекланган жамиятида халқ хўжалигида эҳтиёж юқори бўлган нотўқима матолар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

# Ички бозорда талаб юқори

Ушбу йўналиш вилоят енгил саноатчилари учун янгилик эмас. Аммо корхонадаги компьютерлаштирилган технология ихчамлиги, тайёрланаётган маҳсулот эса халқаро андозаларга тўла жавоб бериши билан ажралиб туради.

Таъсисчилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 300 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтиришди. Бу ерда ўрнатилган хорижнинг илғор технологик ускуна ва жиҳозлари ёрдамида кунига 3 тоннагача маҳсулот тайёрлаш мумкин. Хом ашё сифатида полипропилендан кенг фойдаланилаётир. Муҳими, ишлаб чиқарилаётган нотўқима матога ички бозорда талаб юқори.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёшлар фестивали

*Самарқандда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида фестиваль ўтказилди.*

Акция доирасида самарқандлик ёшлар учун Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, санъаткор ҳамда ижодкорлар иштирокида турли учрашувлар ташкил этилди. Мулоқотларда Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

“Замонамиз қаҳрамонлари” ва “Сиз севган қаҳрамонлар” мавзуларидаги театр ва кино актёрлари, шоир ва ёзувчилар, эстрада хонандалари иштирокида ўтказилган учрашувлар ёшларда ёрқин таассурот қолдирди.

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” акцияси доирасида вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига тадбир ташкилотчилари томонидан ўқув қуроллари ва китоблар совға қилинди. Шунингдек, футбол мусобақалари ҳам фестиваль иштирокчиларига унутилмас онларни туҳфа этди.

— Биз мустақил юртнинг бахтли ёшларимиз, — дейди Самарқанд педагогика коллежи ўқувчиси Ирода Ҳамдамова. — Фестиваль асносида бизга бўлган меҳр ва эътибор юксак эканлигини яна бир карра чуқур ҳис қилдик.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Тураржойлар учун нақшинкор жиҳозлар

*“Урганч лакрица сервис” масъулияти чекланган жамиятида қурилиш материаллари ҳамда мебеллар мижоз хоҳишидан келиб чиқиб, замонавий ва шарқона нақшлар уйғунлигида тайёрланмоқда.*

Тадбиркор С. Бозоров раҳбарлик қилаётган мазкур корхонани жиҳозлаш учун 240 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди.

Маҳсулотга талаб ортаётгани боис жамоа ўз фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатида. Ҳозир темир ва ёғочга бир неча усулда ишлов берадиган 300 миллион сўмлик замонавий технология харид қилинди. Бу эса яна 10 та иш ўрни яратилади, деганидир.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ислоҳотларга дахлдорлик

## депутатлар фаолиятида устувор аҳамият касб этмоқда

*Ёш авлодни юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир.*

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида бу борадаги ишлар қамрови янада кенгайтирилиб, давлат ва жамоат ташкилотларининг иштироки фаоллашмоқда. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнига ёшларни жалб этиш, уларда юксак ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, улар ўртасида соғлом турмушни кенг қарор топтириш билан боғлиқ устувор вазифаларни бажаришда ўз ўрни ва таъсир доирасига эга бўлиб бораётир.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳам фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий Низом ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга ошириб келмоқда.

Ўтган даврда ва жорий йилнинг биринчи чорагида доимий комиссиямизнинг иш режасига кўра ўтказилган мажлисларда йигирмага яқин долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Бахмал, Дўстлик, Зарбдор, Жиззах, Пахтакор ва Зафаробод туманлари ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари ҳамда бошқа дахлдор ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ ахбороти тингланиб, тегишли тавсиялар берилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонун талабларининг Жиззах политехника институтида бажарилиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 мартдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг Зарбдор туманидаги ижроси, шунингдек, вилоят касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича қилинган ишлар сарҳисоб этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Доимий комиссия томонидан ёшларга оид қонун ҳужжатлари ижроси изчил ўрганиб борилмоқда. Вилоятимиздаги 75 та касб-ҳунар коллежи ўқувчилари давоматини яхшилаш, уларни ишлаб чиқариш амалиётига тўлақонли жалб этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш ҳамда умумтаълим мактабларининг битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш хусусида ота-оналар, маҳалла фаоллари, масъул ташкилот ва муассаса раҳбарлари билан мунтазам равишда суҳбатлар ташкил қилинмоқда. Коллеж ўқувчиларининг назария ва амалиётни уйғун олиб борилиши, таҳсилдан сўнг меҳнат бозорида ўрнини топишига кўмаклашиш масалалари ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қарорлар қабул қилинди ва ижроси юзасидан депутатлар назорати ўрнатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, доимий комиссиямиз аъзолари қатор жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда коллеж битирувчилари, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қизиқиши, лаёқати бор йигит-қизлар учун турли учрашувлар, семинарлар ўтказиб келмоқда. Мазкур тадбирлар якунида жамоат ташкилотлари томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилаётир.

Таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Биргаликдаги саъй-ҳаракатимиз натижаси ўлароқ, шаҳар ва туманлардаги коллежларга, шунингдек, 26 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 17 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказларига фидойи оқсоқоллар бириктирилди.

Бундан ташқари, доимий комиссиямиз ташаббуси билан ҳар ойнинг сўнгги шанбаси вилоятимиздаги барча таълим муассасаларида “Спорт, маданият ва таълим куни” деб эълон қилинган. Бу, ўз навбатида, мактаб, коллеж ва лицейларда ўқувчи-ёшларнинг дунёқарашини янада юксалтириш, уларнинг спортга бўлган меҳрини ошириш, қолаверса, ушбу илм масканларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш масалаларига маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, кенг жамоатчиликнинг эътибор ва масъулиятини кучайтиришга хизмат қилаётир.

Хулоса ўрнида айтганда, ёшларнинг интилишини қўллаб-қувватлаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, орзу-мақсадларига эришишда суянч бўлиш фаолиятимизнинг муҳим асоси ҳисобланади. Шундай экан, умидимиз, таянчимиз, келажагимиз бўлган шижоатли ўғил-қизларимизга камарбаста бўлиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, манфаатларини таъминлашга янада жиддий аҳамият қаратишимиз ҳаётий заруратдир.

**Г. НОРМУРОДОВА, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.**



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

# Чет эл инвестициялари

## ишлаб чиқаришни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар, хусусан, ҳамкорларимиз инвестициялари юртимиздаги бир қатор корхоналар фаолиятини ривожлантиришда айни муддао бўлмоқда. Бугун Сурхондарё вилоятида кореялик ишбилармонлар сармоялари иштирокидаги 3 та корхона самарали фаолият юритаяпти. Шулардан бири “Shindong-Spining-Termiz” қўшма корхонасидир. Ўтган йили бу ерда 5 миллиард 592 миллион сўмлик 1281 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, 2 миллион 809 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Жорий йилда корхонани модернизациялаш тадбирларига 300 минг АҚШ долларилик сармоя йўналтирилаётир. Бу маҳсулот ҳажми ортиб, сифати янада яхшиланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Эзгуликка ҳамоҳанг ибрат

*Қалбида одамийлик ҳисси уйғоқ инсон ҳамиша яхшилик улашиб яшайди. Айниқса, қилинган хайрли амал кимнингдир соғлиғини тиклашга, умрини узайтиришга кўмак берса, киши учун бундан ортиқ мамнунлик топилмаса керак. Донорлар ана шундай беғараз ёрдам кўрсатувчи, эзгу-ниятли инсонлардир.*

14 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР КУНИ

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда беғараз донорлик ва уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”-ги Қонун доирасида донорлар билан ишловчи тиббий муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида беғараз донорликни кенгайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланаётир. Хусусан, 2008 йилда Ўзбекистон Республикасида беғараз донорлик фаолиятини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Айни пайтда мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, кенг жамоатчилик орасида тиббий тарғибот тадбирларини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, маҳаллалар, олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда беғараз донорликнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қон қуйиш станциялари фаолият юритаяпти. Пойтахтимизда бизнинг муассасамиздан ташқари Республика шошилинч тиббий илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси, шунингдек, Тошкент шаҳар қон қуйиш станциясида қон тайёрланади. Улар шаҳар шифохоналарида даволанаётган беморларнинг қонга бўлган эҳтиёжини таъминламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 ноябрдаги қарори билан Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида олтита ҳудудий Қон маркази замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлангани, вилоят қон қуйиш станциялари реконструкция қилингани яна бир эътирофга лойиқ жиҳатдир.

Маълумки, қон, унинг компонентлари ва препаратлари (плазма, эритроцитлар, тромбоцитлар, альбумин ва иммуноглобулинлар) инсон ҳаёти хавф остида қолганда қуйилади. Шунингдек, қон тизими касалликларида (оғир даражали камқонликлар, лейкоз, яъни оққон хасталиги, қон ивиш тизими бузилиши — гемофилия касаллиги, коагулопатиялар), саратон, патологияли оғир кечадиган туғуруқларда, операцияларда, оғир даражали куйишларда ва турли фавқулоддаги ҳолатларда асқатади. Бундай вазиятда керакли миқдордаги қонни топиш учун соғлом инсонларни доимий, беғараз қон донорлигига жалб этиш лозим.

Ана шундан келиб чиқиб, юртимизда аҳолини донорликка жалб қилишда зарур тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Рақамларга эътибор қаратсак, агар 2011 йилда 99 минг 530 нафар донор қон топширган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 103 минг 500 нафарни, ўтган йили эса 120 минг 900 нафарни ташкил этди. Биламизки, қон беғараз, ўз хоҳиш-иродаси билан келган донордангина олинади. Бундай саховатпеша кишилар ўз саломатлиги ҳамда турмуш тарзи ҳақида аниқ маълумот бериши лозим. Бу эса қоннинг хавфсизлигини таъминлашда ғоятда муҳимдир. Негаки, донор бўлишга аҳд қилган инсон масъулиятни ўз бўйнига олади. Кечагина у фақат ўз соғлиғи учун жавоб берган бўлса, бугун бошқаларнинг саломатлиги учун ҳам қайғуради.

Донорлар 18 дан 60 ёшгача бўлган соғлом инсонлар бўлиб, улар Республика Қон марказида тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилиб, шифокор тавсиясига биноан, донорлик қилиши мумкин. Соғлом киши учун қон топшириш, албатта, хавфсиз ҳисобланади. Чунки одам организмидаги 4,5-5 литр қондан 400 мл. олинса, организм 36 соат ичида йўқотган суюқлиги ўрнини тиклаб олиш хусусиятига эга.

Мамлакатимизда бу йилги Халқаро донорлар кунида “Хавфсиз қон — оналарни сақлаб қолиш учун” шиори остида хайрли тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, сана муносабати билан кўп йиллар давомида беғараз қон топширган донорларга эсдалик совғалари улашиш ҳам режалаштирилган.

Қон бериш — жони қил устидаги инсонга ҳаёт ҳадя этишдир. Ҳаёт ҳадя этиш — савоб ишнинг энг олий ифодаси саналади. Шундай экан, савоб ишни амалга оширишга кечикмайлик.

**Аълонур САИДОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори.**

ИЗЛАНИШ

*Ховос туманининг тошли ва шағалли ҳудудидаги Шарқобод, Парчаюз, Соҳибкор маҳаллалари аҳолиси табиий шароитдан келиб чиқиб, томорқани суғоришнинг янгича усулидан фойдаланишмоқда. Яъни томорқа бошидан кавланган ҳовуз маълум муддатда сув билан тўлади. Сув тугагач, яна бир оз кутилади...*

# Янгича усулдан фойдаланишга киришилди

Бу ишни илк бор шарқободлик С. Норқўзиев бошлаб берган эди. Унинг ташаббуси билан бундай сув манбаи орқали “Тонгги шудринг жилоси” фермер хўжалиги ташкил этилиб, 4 гектар тошли майдонда боғ яратилгач, бошқалар ҳам бу усулни ўзлаштиришга киришди.

Ҳозир мазкур маҳаллалардаги 200 та оиланинг ўз ҳовузи бор. Томорқаларга сув чиқариш ҳавзада сувнинг камайиш ва кўпайишига қараб, автоматик тарзда ишлаш ҳамда тўхташ хусусиятига эга насослар орқали бажарилади. Қулай ва камхарж бу табиий манбалар туфайли жами 12-13 гектардаги томорқалар сув билан таъминланиб, сабзавот, полиз, дон, мева-чева ҳамда чорва учун озуқа етиштирилмоқда.

Янгича усул шу ҳудуд ва унга ёндош экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам хизмат қилаётир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



АҚШ: Вашингтонда “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим механизми” мавзуидаги халқаро илмий-амалий давра суҳбати бўлиб ўтди.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*“Toyota” автоконцерни (Япония) дунё бўйича сотилган 2 миллиондан ортиқ машинасининг хавфсизлик ёстиқчасида камчилик аниқлангани боис уларни таъмирлаш учун қайтариб олади.*

### Автомобилларини қайтариб олади



Бундай нуқсон 2000 — 2004 йилларда ишлаб чиқарилган 20 та моделда кузатилган бўлиб, улар орасида “Corolla” ҳамда “Yaris” каби машҳур русумлар ҳам бор. Энг кўп — 850 минг дона автомобиль Шимолий Америкадан, шунингдек, Япониянинг ўзидан 680 минг ва Европадан 525 минг дона машина қайтарилади.

### Иқтисодий тахминлар ўзгарди

*Германиянинг “Lufthansa” миллий авиакомпанияси жорий ҳамда келгуси йилда олиниши кутилаётган даромадларига оид прогноз кўрсаткичларини пасайтирди.*

Бунга йўловчи ва юк ташиш ҳажми тобора камайиб кетаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. 2014 йилда немис компанияси 1 миллиард евро миқдорида маблағ ишлаб топишдан умидвор. Мазкур рақам аввал тахмин қилинганидан бир ярим баравarга кам. “Lufthansa” маъмурияти Европа ва АҚШдаги қатновлар барқарорлигини таъминлаш учун, ҳатто зарарига бўлса ҳам, авиачипталар нархини тушириши мумкинлигини билдирди.

### Кучли ёмғир таъсири

*Жанубий Американинг марказий ҳудудларида кучли ёғингарчилик кузатилди.*



“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли Бразилия ҳамда Аргентина давлатларини ажратиб турувчи Парана дарёси ўзанидан тошиб чиққан. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ноёб мерослари рўйхатига киритилган Игуасу шаршарасига ҳам одатдагидан миллион кубометр кўп сув келиб қўшилган. Шу боис ушбу мўъжизавий маскан сайёҳлар учун бир неча кунга ёпиб қўйилди. Чунки томоша қилишга мўлжалланган махсус жойлар бутунлай сув остида қолган.

### Кутилмаган келишув

*“Ford Motor” автомобиль корпорацияси ва кетчуп ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур “Heinz” компанияси ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олди.*

Бу ҳақда “Рейтер” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Автокорпорация кетчуп тайёрлаш жараёнида юзага келадиган помидорнинг қуруқ қолдиқларидан машиналар учун пластик деталлар ишлаб чиқармоқчи. Агар мазкур лойиҳа амалга ошса, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш қисқаради. Бу эса атроф-муҳитга зарарли газлар чиқишини камайтиради. Яна бир жиҳати, “Heinz” компанияси чиқиндидан ҳам фойда кўра бошлайди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Сув — оламдаги энг бебаҳо неъмат. Усиз нафақат фаровонликни, балки кундалик ҳаётимизни ҳам тасаввур этиш мушкул. Маълумот учун айтамизки, Тошкент шаҳри аҳолиси ва саноат корхоналарини ичимлик суви билан “Сувсоз” давлат унитар корхонаси таъминлаб келади. Ушбу корхона таркибида йирик сув ишлаб чиқариш иншоотлари ва тармоқлари, сув босимини кўтариб берувчи насос станциялари мавжуд. Шунингдек, оқова сувларни қабул қилиш, уни қувурлар орқали иншоотга узатиш, иншоотларда тозалангач, яна табиатга қайтариш каби ишлар ҳам корхона зиммасида.*

# Бебаҳо неъмат қадри

— Тошкент шаҳри сув таъминоти тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, электр энергиясини тежовчи технологияларни жалб қилиш, шаҳар аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, шунингдек, корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида “Тошкент шаҳри сув таъминоти тизимини такомиллаштириш” инвестиция дастури амалга оширилди, — дейди “Сувсоз” ДУК бошқарувчиси Баҳром Маннонов. — Қиймати 10 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги кредит битими лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Унга кўра, учта йирик сув тозалаш иншооти реконструкция қилинди. Шу жумладан, “Қодирия” сув иншоотида 15 та насос агрегати, электр ускуналари, кимё бактериология лабораторияси анжомлари, “Қибрай” сув иншоотида 62 та насос агрегати, “Бўзсув” сув иншоотида 9 та насос агрегати алмаштирилди. Модернизациялаш ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда қабул қилинган тегишли қарорига мувофиқ, 147 та насос агрегати харид қилинди, шундан 129 таси ишга туширилди.

Шаҳар аҳолисига етказиб берилаётган ичимлик суви мураккаб 3 босқичли тозалаш жараёнидан ўтади. Дастлаб сув манбаидан кўтарилган обиҳаёт тиндиргичларга келиб тушади. Уларда махсус коагулянтлар қўшиш орқали тиндирилади. Сўнг сув биринчи босқич насос станциялари орқали фильтрлаш станциясига узатилади. Махсус фильтрларда тозаланган сув ҳавзаларга ўтказилади. Охирги босқичда тоза сув ҳавзаларда хлор моддаси ёрдамида зарарсизлантирилади ва аҳолига узатилади.

Шаҳар сув тармоқларида 167 та учинчи босқич ва 101 та тўртинчи босқич насос станциялари мавжуд бўлиб, асосан, кўп қаватли уйларни ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар бир насос станцияси алоҳида ўз таъсир кўрсатиш доирасига эга ва бу жараён доимий равишда мутахассислар томонидан назоратга олинган. Барча сув олиш иншоотларида туну кун сув сифатини текширувчи Кимё бактериологик лабораториялари фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, шаҳар ичимлик суви тармоқлари бошқармаси Кимё бактериологик лабораторияси томонидан оммавий дам олиш жойлари, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари, меҳмонхоналар ва бошқа жойларда сув намуналари текширилиб, сифати назорат қилиб турилади. Етказиб берилаётган обиҳаёт барча кўрсаткичи бўйича O‘zDSt-950-2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифат назорати” стандартларига тўлиқ мосдир.

Бугунги кунда истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Биллинг” тизими жорий қилинган. Замонавий талаблардан келиб чиқиб, “Сувсоз” корхонасида катта оқимли маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ягона маълумотлар базасини яратиш эҳтиёжи туғилди. Жорий қилинаётган бу тизим ҳисоблашни осонлаштириш, маълумотлар ишончлилигини оширади. Муҳими, ҳисоблаш ва тўловномалардан кўчирма олиш жараёнларини автоматлаштириш имконини беради.

Ушбу тизим туфайли дебитор ва кредиторлик қарздорлигини юритиш, истеъмолчи ҳар чораклик тўловномаларни ёзиш, реал вақт тартибида истеъмолчилардан тўловларни қабул қилиш, интерфаол хизматларни кўрсатиш жараёнлари соддалашди.

Тизим туфайли истеъмолчиларни совуқ сув ҳисоблагичидан фойдаланиш муддати тугаётганлиги (давлат текшируви) ҳақида автоматик тарзда хабардор қилиш амалга оширилади. Ичимлик сувидан меъёрдан ташқари, хўжасизларча фойдаланиш устидан назорат кучайтирилди. Умуман, тизим ўзгаришларни маълумотлар базасига киритишни муайян оператор томонидан ўзгаришнинг санаси ва вақтини кўрсатган ҳолда киритилишини архивлаштириш таъминланди.

Мухтасар айтганда, ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланинг. Зеро, бу неъмат битмас-туганмас эмас. Жўмракка етиб келгунигача қанча меҳнат ва харажат сарф этилишини зинҳор ёддан чиқарманг.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

**Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси томонидан**

жорий йилнинг 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz, 4 апрель куни Республика Товар-хом ашё биржасининг uzex.uz сайтларида ҳамда 5 апрель куни «Маърифат» газетасининг 28 (8677)-сонида ва 23 апрель куни «Халқ сўзи газетасининг 78 (6008)-сонида 2014 йилда умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари, мусиқа чолғу асбоблари ва инвентарлар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилган эди.

**Ана шу эълон муддати қуйида кўрсатилган лотлар бўйича узайтирилганлигини маълум қиламиз.**

| Т/р | Лот номи | Лот рақами |
|---|---|---|
| 1. | Физика лаборатория хонаси учун ускуналар (72 номда) | 15, 16-лотлар |
| 2. | Кимё лаборатория хонаси учун ускуналар (42 номда) | 17, 18-лотлар |
| 3. | Биология лаборатория хонаси учун ускуналар (57 номда) | 19, 20-лотлар |
| 4. | Кимё ва биология лаборатория хонаси учун ускуналар | 21, 22-лотлар |
| 5. | 5 — 9-синф «Чет тиллари» ва «Ўқув компьютер» хоналари учун ускуналар ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун компьютер техникалари | 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39-лотлар |
| 6. | «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» хонаси учун ускуналар | 40, 41, 42, 43, 44-лотлар |
| 7. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун Европа мусиқа чолғулари ва ускуналар | 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64-лотлар |
| 8. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун махсус мебель ҳамда инвентарлар | 65, 66, 67, 68, 69-лотлар |
| 9. | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун металл асбоб-ускуналар | 70, 71-лотлар |

***Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2014 йил 16 июнь куни соат 17.00 га қадар этиб белгиланган.***

**Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
Телефонлар: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35, 239-18-24.
Факс: (8-371) 239-89-58.**

906R/478

ОБОДЛИК

*Андижон шаҳрини янада обод масканга айлантиришда “Гуллар ва совғалар” оилавий корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Гап шундаки, корхона томонидан Италия, Германия ва Эрондан келтирилган клён, азалия, магнолия, камелия гуллари бугун ҳудудга ўзгача чирой улашиб турибди.*

# Хитой пальмаси маҳаллий иқлимга мослаштирилмоқда

Шу кунларда корхона раҳбари Н. Насирдинова хитой пальмасини келтириб, уни маҳаллий иқлимга мослаштиришни бошлаб юборди.

Ландшафт дизайни — оилавий корхона фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Дид билан ишланган табиат манзаралари бино ва иншоотларга ўзгача кўрк улашмоқда. Яшил майсазорлардаги сопол, харсанг ва мармар тошлар ҳамда бошқа табиий жинслардан ишланган фавворалар, шаршаралар, кўприкчалар, митти меъморий ишланмалар, миллий ва Европа услубига мос ҳайкалчалар кишининг баҳридилини очади.

— Яқинда лайлак, турна, оҳу, фил қиёфасини ясашни йўлга қўйдик, — дейди тадбиркор. — Бунга уч нафар моҳир ҳунарманд жалб этилган.

Оилавий корхона шаҳар тунги ёритиш тизимига ҳам янгилик киритди. Сунъий дарахтлар ва турли ҳайвонлар шаклидаги ускуналар одамлар гавжум жойларга ўрнатилди. Муҳими, кундузи қуёшдан қувват олувчи мосламалар тунда ажиб нур таратади.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2014 йил 17 июль куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларини эълон қилади.**

Очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Зарафшон кўчаси, 21-уйда жойлашган, тугатилаётган ХОАТБ «Алп Жамол банк» балансидаги, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/975 ZCA, бошланғич баҳоси 14 679 791 сўм бўлган «JINBEI», 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/976 ZCA, бошланғич баҳоси 14 679 791 сўм бўлган «JINBEI», 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 43-11 НЕ, бошланғич баҳоси 185 550 415 сўм бўлган «Massey Ferguson MF-8160» русумли трактор 10 тишли омочи (плуг) билан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 50-уйда жойлашган «Markaziy» комбинат ДУК балансидаги:

| Т/р | Русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «ГАЗ-6602» | рақамсиз | 1973 | 103 238 000 |
| 2. | «ГАЗ-6605» | рақамсиз | 1972 | 103 238 000 |
| 3. | «ГАЗ-6605» | рақамсиз | 1976 | 103 238 000 |
| 4. | «ГАЗ-63» | рақамсиз | 1968 | 103 238 000 |
| 5. | «ГАЗ-63» | рақамсиз | 1967 | 103 238 000 |

| Т/р | Русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 6. | «ЗИЛ-157» | рақамсиз | 1969 | 122 622 000 |
| 7. | «ЗИЛ-131» | рақамсиз | 1971 | 122 622 000 |
| 8. | «ЭО-2621В2» | ЕД 34-17 | 1988 | 69 648 000 |
| 9. | «ЭТЦ-165» | ЕД 34-11 | 1989 | 74 845 000 |

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси УК балансидаги қуйидаги автотранспорт ҳамда техника воситалари қўйилади:

| Т/р | Русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «SL50W-III» | 70-50 EM | 1999 | 30 105 590 |
| 2. | «ЭО-3323А» | 70-42 EM | 1996 | 23 720 666 |
| 3. | «ЭО-3323А» | 70-44 EM | 1997 | 23 825 625 |
| 4. | «МАЗ-5334» | 01/773 EAA | 1985 | 18 286 138 |

| Т/р | Русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 6. | «К-700А» | 70-29 EM | 1987 | 18 963 402 |
| 7. | «КРАЗ250К-1» | 01/051 XBA | 1988 | 28 766 804 |
| 8. | «КРАЗ257М КС4561А» | 01/049 XBA | 1985 | 31 624 035 |

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида қатнашиш учун бошланғич баҳосининг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Очиқ аукцион савдоси ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунига қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун алоқа воситалари:
**телефон: (8-371) 233-02-49,
тел./факс: (8-371) 233-23-40,
электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

*Гувоҳнома № 005357.*

902R/40

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, майдони 523,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги меҳмонхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 468 745 618 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Мамадалиев кўчасида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0002-литердаги савдо маркази ва майдони 192,0 кв.м.дан иборат 0003-литердаги савдо маркази арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 247 072 454 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Мамадалиев кўчасида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги савдо маркази, майдони 375,0 кв.м.дан иборат 0004-литердаги ертўла ва майдони 82,20 кв.м.дан иборат 0005-литердаги новвойхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 276 172 406 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик ишлари бўйича судининг 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/77286, 2011 йил 21 февралдаги 12-1103/8, 2012 йил 7 майдаги 12-1203/7011 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Баланд қанотлар» МЧЖга тегишли, Янгиер шаҳри, Маърифат маҳалласи, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 1263,73 кв.м., фойдаланиш майдони 967,84 кв.м. бўлган кинотеатр биноси ва иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 216 732 260 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 1 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 27 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.
Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

903R/1453

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Жиззах вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Дўстлик тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2012 йил 4 апрелдаги 13-1209/3436-сонли буйруғига асосан хатланган, Пахтакор тумани, «Мингчинор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Дўстлик тумани ПТК» ОАЖга тегишли молхона мажмуаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 399 661 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 16 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 14 июль куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 июндаги 13-1309/5352-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғаллаорол тумани, «Маданият» ҚФЙ, 1-Қангли қишлоғида жойлашган, «Жиззах автосавдо» МЧЖга тегишли, умумий майдони 0,85 гектар бўлган автомобиллар сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 452 790 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 30 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 27 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:
Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй.
Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

905R/1453

***...Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.***

**Ислом КАРИМОВ**

**ҲАЙРАТ**

Япония, Россия, Озарбайжон каби мамлакатларда Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилиши унинг жаҳон маънавияти ва маърифатига қўшган беқиёс ҳиссасига бўлган эҳтиром рамзидир.

# Буюклик мезони

Улуғ Навоий маънавиятимиз мезони бўлган адабий тилимиз тарихида катта бурилиш ясади. Жаҳон бадиияти хазинасидан муносиб ўрин олган "Хамса", "Хазойин ул-маоний", "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис ун-нафоис" каби буюк асарлари билан ўзига мангулик тамал тошини қўя билди. Негаки, у зот туркий тилни, хусусан, ўзбек адабий тилини юксалтирди, унинг имконияти бошқа тиллардан кам эмаслигини ижоди орқали исботлади. Натижада тилимизни ҳар қандай лаҳжалардан, тарқоқликдан ажратиб, унга ўзига хос оҳор, жило, ранг-баранглик бағишлай олди. Шоир асарларидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Баҳром ва Искандарнинг сўзлашув услуби фикримиз тасдиғидир. Бобокалонимизнинг бу борадаги салоҳияти ҳақида "Бобурнома"да шундай дейилган: "Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эрмас... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва



муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай...".

Навоийни чин маънода англаш муҳим вазифамиз экан, аллома асарларини ўз йўналиши билан ўрганиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунончи, у буюк шоир: "Хазойин ул-маоний" 1492 — 1498 йилларда тартиб берилган туркий тилдаги 4 девондан иборат асарида 650 тадан ғазал киритилган.

Навоий — зуллисонайн (икки тилли) ижодкордир. Форс тилида яратган шеърларини "Девони Фоний" тўпламига тартиб этган бўлиб, унда 12 минг сатрдан иборат шеърлари жамланган.

Алишер Навоий тилшунос олим сифатида туркий тилнинг ўзига хос жиҳатларини "Муҳокамат ул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси") асарида мукаммал тадқиқ этди.

"Мезон ул-авзон" асари орқали аруз вазнининг туркий шеъриятда қўлланиш тамойилларини таҳлил қилди ва илмий изоҳлари билан унинг улкан аҳамиятини белгилаб берди.

"Тарихи мулуки Ажам", "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарлари Навоийнинг етук муаррих эканлигини ўзида намоён этди.

Шоирлар султони мусаввирлар ҳомийси ва фасоҳатли санъатда мўйқалам тутган зот эди. Барчамизга маълумки, "Занжирбанд шер" тасвири алломанинг рассомлик маҳоратидан далолатдир.

Умуман, бобокалонимизнинг ижоди шу қадар серқирраки, унинг асарларини ўқиш ва уқиш биз учун ибрат мактаби бўлиб қолаверади.

**Мамлакат ЛАТИПОВА.**

**ТАЛҚИН**

*Навоий талқинида жуда кўп тушунчалар оддий ёки мулоҳаза шаклида қолиб кетмаган. Балки ғоя ва тимсол даражасига кўтарилган. Жумладан, шоирнинг мулк борасидаги фикр ва мулоҳазалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, Навоий илоҳий илҳом олган ижодкоргина эмас, балки ризқу насибада, мулкдорлик борасида ҳам танилган тарихий шахсдир.*



# «Тузай назм мулкида шоҳона базм»

Шоирнинг мулк борасидаги фикр, ғоя, тимсоллари, кўрсатмалари асарларида, хусусан, "Хамса", "Муншаот", "Вақфия", "Маҳбуб ул-қулуб"да, ҳатто баъзи шеърларида ранг-баранг маъно ва шаклда ўз ифодасини топган.

Навоий "мулк" сўзида давлат, мамлакат маъносидан ташқари тақдир, жамият, раият, бойлик, адл, адоват, ҳақ-ҳуқуқ, ризқ, хазина, ободлик, таназзул каби умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим муаммоларни ўртага ташлайди. Маълумки, Навоий ўз мулкларига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда ижтимоий манфаатни кўзлаб, ортиқча молу мулкини эҳсон ҳамда хайрли, мақсадли ишларга сарфлаб келган. Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: "Сўнгра холис мулкини ва ҳалол бойлигини Худо йўлига сарфлаб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли жойлар ҳамда дорушшифо қуришга харжлади. Ўша жойларга белгиланган вақфлари муомалада юрган (пул ҳисобида) тахминан 500 туман кепакини (бир туман ўн мингга тенг) ташкил этади".

Навоийда "мулк" тушунчасини шарҳлаганда, шоирнинг нияти, мақсад-муддаосига таяниб, шартли равишда рамзий маънода ва сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий маънода ишлатган, дея оламиз. Улуғ шоир бу сўзни қандай маънода қўлламасин, "ал-Мулк", "Малик ул-мулк", яъни Ҳақнинг сифати билан боғлаб беради. Навоий мулк сўзини мамлакат, давлат, салтанат, ҳокимият каби маъноларида "Хамса" таркибига кирувчи "Садди Искандарий"да "Тарихи мулуки ажам"да кўп ишлатган.

Рамзий маънода "жон мулки", "кўнгул мулки", "бақо мулки", "йўқлик мулки", "кавн мулки", "назм мулки" шаклида учратиш мумкин.

***Суриб барқ сайрини жон мулкиға,***
***Не жон мулкиға, ломакон мулкиға.***

Ёки

***Тузай назм мулкида шоҳона базм,***
***Ҳамул базм сари қилай ёна азм.***

Навоий қўллаган "Назм мулки" кейинчалик шоирнинг ўзига нисбатан "Шеърият мулкининг султони", "Ғазал мулкининг султони", "Сўз мулкининг султони" каби сифатлашларга негиз бўлди.

Навоий мулк сўзини сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий маънода қўллаганда, мулк ва салтанат, мулк ва мамлакат, мулк ва давлат, мулк ва ҳокимият, мулк ва раият, мулк ва фатҳ, мулк ва мол тенг маъноли тушунчалар сифатида ҳам изоҳлайди. Шу маънода, бугунги мулкдорларимиз ички бир одат ва маданиятни Навоийнинг ўзидан, шоир яратган мулкдор образларидан ибрат олишса арзийди. Навоий валиаҳд Бадиуззамон Мирзонинг мулк борасидаги баъзи бир нохолис ҳаракатидан норози бўлиб, мактубларидан бирида ёзади: "Бири улким, вилоят молин (мулк маъносида) машваратсиз олиб турурсиз ва бу маъҳуд эмас эрди. Ҳеч уч-тўрт кун эмаским, бир кишингиз келмас, агар имойи қилсангиз эрди, йўқ дейилмағуси эрди". Бу ёзма танбеҳи, билдиришномаси билан Навоий бошқа шаҳзодаларни ҳам молу мулкни тўплаш, сақлаш, олиш, тақсимлаш қоидаларига қадимдан мавжуд бўлган тартиб низомига қатъий риоя қилишга чақирган.

Навоий ўз асарларида ёритган мулк ҳақидаги ғоялари Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги "Куч — адолатда", "Куч — тартибда" деган тамойилларига асосланади. Ва мулки мамлакатда, хазинада, элнинг турмуш тарзида ҳамиша ободлик, маъмурлик, сероблик бўлишига урғу беради. "Адл суйи била мулк бўстониға нусрат бермоқ" деган ҳикматларида ҳам мулк эгаларининг бу борадаги вазифаси, масъулияти, бурчи таъкидланади.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**филология фанлари номзоди.**

# Абадият гулшани





**ҒАЗАЛ БЎСТОНИ**

## Мени мен истаган ...

***Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,***
***Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.***

***Не баҳра топқамен андинки,***
***мендин истагай баҳра,***
***Чу улким баҳраи андин тилармен***
***баҳраманд этмас.***

***Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға,***
***Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон, бу нўшханд этмас.***

***Керакмас ой ила кун шакликим,***
***ҳусну малоҳатдин,***
***Ичим ул чок-чок этмас,***
***таним ул банд-банд этмас.***

***Керак ўз чобуки мажнунваши***
***қотил шиоримким,***
***Бузуғ кўнглумдин ўзга ерга***
***жавлони саманд этмас.***

***Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир***
***Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.***

***Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,***
***Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.***

# Муҳаббат тилсими

Ширин ҳамиша атрофидаги тўрт юз қиз билан бирга сафарга чиқар эди. У Гулгун лақабли отига миниб, бу гал Фарҳод ариқ қазиётган тоққа етиб борди. Ширин билан Фарҳоднинг учрашуви бундай тасвирланади (Ширин сўз бошлайди):

*Ки: "Эй нодир йигит офоқ ичинда,*
*Ягона чархи нили тоқ ичинда!*

*Аён ҳолингда кўп, кўп булъажаблиқ,*
*Ажабдин ҳам жаб ранжу талаблиқ.*

*Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,*
*Не қилған ишинг ўхшар эл ишига.*

*Бу ишким, биз демай бунёд этибсен,*
*Баҳоят кўнглумизни шод этибсен.*

*Бўлур эрдук ҳусули ичра ожиз,*
*Ҳунар эрмас, қўлунг кўргузди мўъжиз.*

*Агар юз қарн узройин бўлоли,*
*Нетиб бир кунчилик узринг қўлоли.*

*Ишинг узрида юз биздек ўтангай,*
*Не биздин, тенгридин олингға ёнғай".*

Шундан кейин Ширин бир товоқ жавоҳир сўради, уни Фарҳоднинг бошига сочди. Фарҳод ҳам Ширинни кўриб, айниқса, унинг бу ширин сўзларини эшитиб, тамом беором бўлди. Ҳаяжон аро:

*Деди: "Жонпарвар анфосингдин ўлдум,*
*Унингдин, умр ранжидин қутулдум.*

*Не англайким, қаю маҳрў экансен,*
*Ичим қон айлаган сенму экансен?!*

*Мени ғурбат аро бечора эткан,*
*Диёру мулкдин овора эткан,*

*Чиқиб жоним унунгдин бўлғач огоҳ,*
*Юзунгни кўрмай ўлдим оҳ, юз оҳ!"*

*Анингдек оҳ тўфонин чиқорди*
*Ки, маҳвашнинг ниқоби елга борди.*

*Кўрунгач ул жамоли оламоро,*
*Анинг матлуби бўлди ошкоро.*

*Ҳамул эрдики, мафтун бўлмиш эрди,*
*Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди.*

*Бировким акс кўргач ҳуши кетса,*
*Ўзин кўргач, нетонг, жон таркин этса.*

*Бировким бўлса майнинг зикридин маст,*
*Нетонг, ичканда бўлса ер уза паст.*

*Чу Фарҳод ул пари эрканни билди,*
*Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди...*

**ДУРДОНА**



«Фарҳод ва Ширин» достонидан.

**РУБОИЙЛАР**

Гул зикрин эшитурмену йўқ гулдин асар,
Бу боғ эшигидин истарам онча гузар,
Ким топмаса гул жамолидин баҳра назар,
Бори исидин етса димоғимға хабар.

***

*Номанг етибон топти кўнгул иззу шараф,*
*Ҳар лафзи бўлуб мурод дурриға садаф.*
*Ҳар сатри алам черикининг дафъи учун*
*Иқбол сипоҳидин чекибон бир саф.*

***

Гар дилбар эмас малаквашу ҳур хисол,
Андин сўнг улуснинг кўзи кўру тили лол.
Не ҳусниға руъяту не ишқимға мақол,
Биллаҳ, мену ошиқлик эрур амримаҳол.

***

*Жоним аро ўт лаъли сухандонинг учун,*
*Юзум уза кавкаб маҳи тобонинг учун,*
*Кўксумда алиф сарви хиромонинг учун,*
*Сўзлаб, юз очиб кел бу тараф жонинг учун.*

**БЕШ ҲИКМАТ**

Нечук билмай дегай сўз аҳли ҳикмат,
Хусусан, сўрса они аҳли давлат.

***Жаҳондин, кўрки, кимлар ком олибдур,***
***Бу эски дайр кимлардин қолибдур.***

Йиқилса ҳужра, бўлсун қаср обод,
Қуруса сабза, бўлсун сарв озод.

***Гул борса, чаманга бўлмасун дард,***
***Кун ботса, фалакка етмасун гард.***

Не қилғоли кимгаки ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.



**ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИ**

## Камолоти бутун оламга ёйилган

*...Офтобни таърифлаш ақл қисқалигидан нишона, тоза мушк фазилати ҳақида қиссани чўзиш жоҳиллик аломатидир. Бу улуғ амирнинг мақбул ишлари ва қутлуғ зикри рубъи маскуннинг барча мамлакатларида маълум, фазилатининг дабдабаси ва олий ҳимматининг камолоти бутун оламга ёйилгандир. Бу хусусда нима дейилса ҳам ибрат бўлғусидир.*

**Давлатшоҳ САМАРҚАНДИЙ.**




# Бир куни Навоий...

Зайниддин Восифий ўзининг "Бадоеъ ул-вақоеъ" ("Ажойиб воқеалар") асарида шундай ҳикоя қилади: "Мавлоно Ҳасаншоҳ жуда оғир моддий аҳволга тушиб қолган эди. У ўз ўғлига деди: "Бошингга кўк ўра, тўн кий ва амир Алишер олдига бор. Сени бу аҳволда кўрган амир: "Нима учун мотам либосидасан?" деб сўрайди, албатта. Сен: "Отам бечора дунёдан ўтдилар" дегин. Алишер, албатта, мени дафн этиш учун сенга бирор маблағ беради. Пулни олиб, бозорга бор ва овқат олиб кел"... Мавлононинг ўғли отаси айтган аҳволда Алишер олдида пайдо бўлди. Амир Алишер ундан: "Нима бўлди, мотам кийимидасан?" деб сўради. "Отам вафот этдилар, омонатни худога топширдилар", деди ўғил. Амир Алишер кўзига ёш олди ва: "Эй, афсус, мавлоно Ҳасаншоҳ давримизнинг нодир кишиларидан эди", деди ва ўғилга уч юз хоний пул инъом этди. Мавлононинг ўғли қувончидан ўзида йўқ бозорга чопди ва айтилган овқатни сотиб олиб, уйига келтирди. Эртаси куни Мавлоно Ҳасаншоҳ ўзи Навоий олдига кириб келди. Уни тирик кўрган Алишер кулиб юборди, ўзини кулгидан тутолмай деворга суяниб қолди ва деди: "Мулло, сиз ўлган эдингиз-ку? Нима бўлди?" Мавлоно Ҳасаншоҳ деди: "Эй, улуғ амир, агар сиз кеча бизга пул инъом қилмаган бўлсангиз эди, мен бугун ўлган бўлур эдим". Ҳасаншоҳга Алишер яна яхши сарупо ва минг динор пул инъом қилди".

**Отабек ИСМОИЛОВ**
**тайёрлади.**



Самарқанд: "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференция жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5